

Аллоҳнинг борлигини ҳис этган ҳолда дуо қилиш



18:45 / 06.02.2019 6878

Дуонинг энг биринчи ва муҳим шартларидан бири Аллоҳга бўлган мустаҳкам иймондир. Одам чорасиз қолганда Аллоҳнинг борлигини ва унга фақатгина У Зот ёрдам бериши мумкинлигини ҳис қилиши жуда муҳимдир. Лекин одам нафақат оғир дамларда, балки осойишта онларида ҳам Аллоҳнинг борлигини, Унинг буюклигини ҳис этиб дуо қилиши лозим. Аслида одам фақат дуода эмас, ҳаётининг ҳар онда буларни ҳис қилиб яшамоғи лозим. Буларни билган мўмин барча ибодатлар қатори дуони ҳам унинг мазмун-моҳиятни англаб қилади. Дуо Аллоҳ билан банда ўртасида риёсиз, холис алоқа ўрнатилиши билан аҳамиятлидир. Одам барча муаммою ташвишларини, истагу эҳтиёжларини фақат Аллоҳга очиб, бу мулоқотда фақат Аллоҳ ва Унинг бандаси иштирок этади. Аллоҳ ҳам бандасининг Унга холислик, тазарруъ билан қилган илтижоларини қабул этиб, уни ноумид

қилмайди.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек дуонинг ҳеч қандай шаклий қолипи йўқ. **«Намозни адо этганингиздан сўнг, Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг»** («Нисо», 103-оят) ояти, инсонни ҳар қандай шароитда ҳам Аллоҳни эслаб, Унга дуо қилиши мумкинлигини кўрсатади. Муҳими тақозо этилган вазият эмас, банданинг Аллоҳга бўлган иймонун ихлоси, самимиятидир.

Айтганларимизнинг акси эса дуонинг ҳақиқий моҳиятига зид бўлиб, уни фақат маълум вақт ва шароитда бажариладиган ибодат сирасига киритиб қўяди. Унда ихлос, ишонч дуо қабулининг асосий шартларидан бўлмай қолади. Ҳатто баъзи жоҳил кимсалар дуонинг асл моҳиятини англамай уни сеҳр ва тилсимият деб ҳам ўйлашади. Дарахтларга ип боғлаш, ўзлари аниқ билмаган азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, у ердаги кўл балиқларига емиш бериб фарзанд тилаш, Биби мушкулкушод маросими ўтказиб муаммоларига ечим сўраш моддий фикрловчи кишиларга хосдир. Эътибор берсак, бундай фикрлашнинг энг муҳим сабаби Қуръон илмидан беҳабар бўлишдир. Тўғридан-тўғри, ҳеч қандай воситачисиз Аллоҳга дуо қилиб сўраш ўрнига, турли-туман ботил нарсаларга ихлос қилиб ўзларини қийнашлари ачинарли ҳол. Бу амаллари билан улар кимга илтижо қилиб, кимдан сўраганликларини фарқига ҳам бормайдилар. Дуо учун қўллашган турли ботил ашёларини каромат деб эътиқод қилишади, аммо унинг нималиги сўралса тайинли жавоб бера олмайдилар. Қабр зиёратида у ерда ётганларга дуо қилиб, улардан мадад сўраганлар ҳам ботил эътиқод эгаларидир. Мўмин эса **«Ва Роббингни исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ»** («Муззаммил», 8-сура) амрига амал қилиб ўзининг барча ишларида Аллоҳни доимо зикр қилиш билан ёрдам сўрайди. У Зотга бутун вужуди билан илтижо чиқиб, фақат Унинг Ўзига суянади, ишларининг бирортасида ҳам Аллоҳ таолодан ўзгага суянмайди.

“Қуръони каримга кўра дуо” китобидан